У жин ёдлаб олган ҳақ сўз бўлиб, валийсининг қулоғига товуқ қаққиллагандай қаққиллайди ва унга юздан ошиқ ёлғон аралаштирадилар», – дедилар

Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар: «Инсонлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан коҳинлар ҳақида сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳеч нарса эмаслар», – дедилар. «Эй Расулуллоҳ, улар баъзида шундай нарсаларни айтадилар кейин ҳақ бўлиб чиқади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У жин ёдлаб олган ҳақ сўз бўлиб, валийсининг қулоғига товуқ қаққиллагандай қаққиллайди ва унга юздан ошиқ ёлғон аралаштирадилар», – дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам келажакдаги ғайбни хабар берадиганлар ҳақида сўралдилар. Шунда: «Эътибор бермanглар, сўзларини олманглар, уларни иши сизларни қизиқтирмасин!», дедилар. Шунда (саҳобалар): «Уларнинг сўзлари баъзида воқеъга тўғри келади. Масалан: «Бирор ғайбий иш фалон ойда фалон кунда бўлади», десалар, улар айтгандай бўлади», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жинлар осмон хабарини ўғирликча эшитадилар. Коҳинлардан бўлган авлиёларининг олдига тушиб уларга хабар беришади. Сўнгра коҳин эшитган нарсасига юзта ёлғон қўшади», дедилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/8918